

**Хориждаги ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари
учун малака ошириш дастури учун танлов ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу низом хориждаги ўзбек тили ўқитувчилари учун мўлжалланган малака ошириш дастури (кейинги ўринларда – Танлов деб юритилади)ни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

1.2. Танлов “Ватандошлар” жамоат фонди (кейинги ўринларда – Фонд деб юритилади) томонидан Ташқи ишлар вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилади.

II. ТАНЛОВНИНГ МАҚСАДИ

2.1. Хориждаги ўзбек тили фани устоз-мураббийларини замонавий ўқитиш методикалари ва педагогик технологиялар билан таништириш, уларнинг машаққатли меҳнатини эътироф этиш орқали ўзбек тилининг халқаро миқёсда барқарор ривожланишига ҳисса қўшиш.

**III. ТАНЛОВНИНГ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИ, УНИНГ ТАРКИБИ ВА
ВАЗИФАЛАРИ**

3.1. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Фонд ва ҳамкор ташкилот масъул ходимларидан иборат ташкилий қўмита шакллантирилади.

3.2. Ташкилий қўмита қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- Танловни ўтказиш билан боғлиқ жараёнларни ташкиллаштириш;
- Танлов олдидан оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда расмий эълон бериш;
- Танловга аризалар қабул қилиш, аризаларнинг мазкур Низомда белгиланган талаблари асосида расмийлаштирилишини назорат қилиш;
- Танлов иштирокчилари аризаларини шакллантириш ҳамда Танлов Ҳакамлар ҳайъатига тақдим қилиш;
- Танлов ўтказиш жараёнида Ҳакамлар ҳайъати ишини мувофиқлаштириш;
- Танловнинг бошқа ташкилий масалаларини ҳал этиш.

IV. ТАНЛОВ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ШАРТЛАРИ

4.1. Танловда хорижда ўзбек тили фани бўйича дарс берувчи ўқитувчи-мураббийлари иштирок этишлари мумкин.

4.2. Танлов қуйидаги босқичларда ўтказилади:

- Онлайн ариза топшириш;

- келиб тушган аризалар Ҳакамлар ҳайъати томонидан саралаб чиқилади(*сўралган маълумотлар тўлиқ ва асосли тўлдирилганига аҳамият берилади*)

- саралаб олинган ариза муаллифлар давлатлар кесимида онлайн суҳбатга таклиф этилади.

4.3. Танловда иштирок этиш истагини билдирган номзодлар Фонднинг <https://vatandoshlar.uz/malaka> расмий сайти орқали рўйхатдан ўтишлари мумкин.

4.4. Номзодлар рўйхатдан ўтишда қуйидаги саволларга жавоб беришлари керак бўлади:

- *Исм фамилиянгиз, расмий ишлаш жойингиздан маълумотнома;*
- *Иш тажрибангиз ва ишлаш жойингиз ҳақида маълумот;*
- *Фонднинг ушбу лойиҳасидан нималар кутяпсиз?*

V. ТАНЛОВ ҲАКАМЛАР ҲАЙЪАТИ

5.1. Ҳакамлар ҳайъати таркибига Фонднинг масъул ходимлари билан бирга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчилари ва шу каби соҳа мутахассислар киритилиши мумкин.

5.2. Ҳакамлар ҳайъати танлов жараёнида қуйидаги мажбуриятларга эга:

- Танлов учун тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларни ўрганиб чиқиш;
- Танлов ҳужжатларига оид маълумотларни ошкор этмаслик;
- Танлов иштирокчиларини баҳолашда адолатлилик, шаффофлик мезонларига риоя қилиш;
- Ҳакамлар ҳайъатига қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

VI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

6.1. Танловни ўтказиш билан боғлиқ барча харажатлар Фонд томонидан қопланади.

6.2. Танлов ташкилотчилари ижодий ишлардан реклама ва тарғибот мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

6.3. Танловни ўтказиш тартибига зарур ҳолларда тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи ташкилотчиларда сақланади.

6.4. Танлов давомида келиб чиқиши мумкин бўлган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида талқин қилиниб бартараф этилади.